

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Найимов Хуршид Жамшидович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги

Таълим 3-ўқув курси 311-гуруҳ курсанти.

Аннотация: *Мазкур мақолада профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишдаги фаолияти илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Махсус профилактиканинг ҳуқуқий асослари, мақсад ва вазифалари, унинг умумий ва яқка тартибдаги профилактикадан фарқли жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган «Антитеррор», «Назорат», «Қорадори», «Орият» каби махсус тадбирлар мисолида профилактика инспекторларининг фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари очиб берилган. Тадқиқотда илмий таҳлилар асосида профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, норматив-ҳуқуқий базани мукаммаллаштириш, профилактика фаолиятини рақамлаштириш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда профилактика инспекторларининг касбий малакасини ошириш зарурати асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, махсус профилактика, профилактика инспектори, ички ишлар органлари, жиноятчилик, ҳуқуқий асос, профилактика тадбири, ижтимоий мослашув, идоралараро ҳамкорлик, рақамлаштириш.*

ОТДЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Аннотация: *В данной статье проведён научно-практический анализ деятельности инспекторов профилактики в сфере реализации мер специальной профилактики правонарушений. Раскрыта правовая природа и содержание специальной профилактики, определены её цели, задачи и отличительные особенности от общей и индивидуальной профилактики. На примере реализации специальных мероприятий системы органов внутренних дел — «Антитеррор», «Назорат», «Қорадори», «Орият» — рассмотрены организационно-правовые механизмы деятельности профилактических инспекторов. На основе научного анализа выработаны предложения по совершенствованию их деятельности, включающие: совершенствование нормативно-правовой базы, цифровизацию*

профилактической работы, развитие межведомственного взаимодействия и повышение профессиональной компетентности инспекторов профилактики.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, специальная профилактика, инспектор профилактики, органы внутренних дел, преступность, правовая база, профилактические мероприятия, социальная реабилитация, межведомственное взаимодействие, цифровизация.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси — бу хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти сифатида таърифланади. Ушбу таъриф Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида ёритилган бўлиб, амалиётда ички буйруқлар ва режалар орқали татбиқ этилади.

Махсус профилактика қуйидаги ўзига хос белгиларга эга: мақсадлилиқ (маълум бир турдаги хуқуқбузарлик ёки маълум тоифа шахсларга йўналтирилган чоралар), олдиндан режалаштирилган ва ички буйруқлар билан тасдиқланган режаларда амалга оширилиши, асосан криминоген ёки оператив жиҳатдан хавфли вазиятларда қўлланилиши ҳамда идоралараро ҳамкорликни талаб қилиши. Амалий жиҳатдан Ички ишлар органлари тизимида «Антитеррор», «Арсенал», «Қорадори», «Назорат», «Орият» каби махсус ва тезкор тадбирлар ушбу тоифанинг кўринишларидир.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда қонунийлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган махсус профилактика айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларнинг содир этилиш сабабларини ва имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга, шунингдек, айрим тоифадаги шахсларга манзилли профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуидир.

Махсус профилактик фаолият фақат хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан, яъни Ички ишлар, прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, адлия, божхона, солиқ, меҳнат органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда Экология қўмитаси томонидан, криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёки мавсумий асосда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

Бундай фаолиятнинг асосий мақсади — республика, минтақа, шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектларда айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг (масалан, одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик, ўғирлик, безорилик) кўпайиши ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи хатарлар

(масалан, диний экстремизм, бузғунчи ғоялар тарқалиши) юзага келишига тезкор ва самарали жавоб беришдан иборат.

Махсус профилактиканинг асосий моҳияти "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ, алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус режалар ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишда намоён бўлади. Масалан, Ички ишлар вазирлиги тизимида гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпайганда "Қорадори", ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича "Орият", вояга етмаганлар ўртасидаги ҳолатлар юзасидан "Ўсмир" ёки "Назорат", терроризм ва диний экстремизм хавфи кучайганда эса "Антитеррор" ёки "Тозалаш" каби махсус тадбирлар ўтказилади. Бу режалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирувчи бошқа субъектлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Махсус профилактика, айниқса, айрим тоифадаги шахслар, жумладан, илгари судланганлар, алкогольни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахслар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Илгари судланганлар ўртасидаги махсус профилактика яқка тартибдаги профилактикадан фарқли ўлароқ, масалага ҳудуд миқёсида комплекс ёндашишни талаб қилади ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш (ишга ёки ўқишга жойлаштириш, рўйхатга олиш, психологик ёрдам) ва ижтимоий мослаштириш (оилага ва маҳаллага мослашиш, моддий ёрдам, касбга ўргатиш) чора-тадбирларини ўз ичига олади. Бу борада ички ишлар идоралари, судлар, меҳнат ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимликлари муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, сурункали алкогольизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш масалалари суд, ИИО ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳал этилади, бунда Ички ишлар органларига мазкур моддаларнинг ғайриқонуний муомаласини назорат қилиш ваколатлари берилган.

Вояга етмаганлар ўртасидаги профилактика эса "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ва унда белгиланган тартиблар асосида, уларнинг индивидуал руҳий-биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, белгиланган намунавий режалар ва дастурлар асосида, мақсадли ва тизимли равишда ўтказиладиган, криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолдаги, ўта муҳим вазифа бўлиб, жамиятнинг хавфсизлиги ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Илгари судланган шахслар (илгари судланганлар, спирт ва наркотик моддалар истеъмолчилари, вояга етмаганлар) бир вақтнинг ўзида ҳам якка тартибдаги, ҳам махсус профилактика объекти бўлиши мумкин. Агар чоралар индивидуал суҳбат ва ягона ҳисобга олишга қаратилса — бу якка тартибдаги профилактика; агар бир тоифага оид комплекс, ҳудудий ёки муддатли режалар билан барчага нисбатан татбиқ этилса — бу махсус профилактика ҳисобланади. Тадбиқ доираси ва методлар аниқ белгиланиши керак.

Махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқишда статистик маълумотлар, тергов ва суд материаллари, соҳавий хизматлар ҳисоботлари ҳамда мониторинг натижалари асос қилинади. Улар мажбурий равишда экспертлар (криминологлар, психологлар, тиббиёт ва ижтимоий соҳалар мутахассислари) билан муҳокама қилинади ва амалга ошириш муддати, субъектлари ҳамда ресурсларини кўрсатувчи буйруқ ёки йўриқнома билан тасдиқланади. Бу жараённинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиши махсус профилактиканинг самарадорлигини таъминлайди.

Махсус профилактиканинг амалиётдаги асосий йўналишларига қуйидагилар киритиш мумкин:

- илгари судланганлар билан ишлаш (реабилитация, ижтимоий жойлаштириш, бандлик);
- спирт ва наркотик моддалар истеъмолчиларига қарши тадбирлар (назорат, тиббий текширув ва, зарур ҳолларда, мажбурий даволаш механизмлари);
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари (мактаб, маҳалла билан интеграцияланган профилактика, махсус марказлар).

Амалиётдаги мисоллар — оммавий тартиббузарликлардан ҳимоя чоралари, тунги муассасаларда мониторинг, гиёҳвандлик тарқалишига қарши назорат ва тиббий кўрикларни амалга ошириш каби комплекс чоралардир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Норматив-ҳуқуқий детализациянинг етишмаслиги. Қонун махсус профилактика тушунчасини берган бўлса ҳам, тадбирларнинг амалга оширилиш механизми (буйруқ, йўриқнома, ҳисобот, назорат) кўп жиҳатдан аниқланмаган, бу эса баҳолаш ва ҳисоботлиликни қийинлаштиради.

2. Идоралараро мувофиқлаштиришнинг заифлиги. Соғлиқни сақлаш, меҳнат, таълим ва ижтимоий хизматлар билан биргаликдаги режаларнинг ҳамоҳанглиги камдан-кам таъминланмоқда. Бу, айниқса, жазони ўтаган шахсларнинг реабилитацияси ва гиёҳвандлик билан боғлиқ тадбирларда сезиларли.

3. Ресурс ва институционал қулайликнинг камлиги. Ижтимоий мослашув марказлари кўп ҳолларда кадр ва моддий жиҳатдан етарли эмас, бу одамларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб қувватлаш жараёнларини чеклайди.

4. Мониторинг ва самарадорликни баҳолашнинг йўқлиги. Махсус режаларнинг натижасига асосланган КРІ ёки ягона ахборот тизими мавжуд эмас. Бу чораларнинг самарадорлигини илмий усуллар билан ўлчашни қийинлаштиради.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

1. Идоралараро мувофиқлаштиришни ҳуқуқий ва техник жиҳатдан кучайтириш — ягона ахборот алмашинув тизими, биргаликда режалаштириш ва ўзаро масъулиятни белгиловчи меморандумлар.

2. Ижтимоий мослашув марказларининг институционал қудратини ошириш — штатни кенгайтириш, касб-хунарга ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича дастурларни мувофиқлаштириш.

3. Мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этиш — махсус профилактика тадбирлари учун КРІлар ва уларни ўлчаш усуллари жорий этиш; натижаларни илмий таҳлил қилиш.

4. Вояга етмаганлар профилактикасида маҳалла ва таълим муассасалари билан интеграцияни кучайтириш — «бир болага етти маҳалла ота-она» тамойили асосида тизимли чоралар.

Хулоса қилиб айтганда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси умумий профилактик фаолиятнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, муайян ҳудудда криминоген вазиятнинг кескинлашувига ёки аниқ хавф-хатарларнинг юзага келишига нисбатан қўлланиладиган манзилли ва комплекс чора-тадбирлар мажмуини ифода этади. Ушбу фаолиятнинг самарадорлиги унинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигида, яъни айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг (терроризм, гиёҳвандлик, ўғирлик кабилар) сабабларини бартараф этишга ва айрим тоифадаги шахсларга (илгари судланганлар, вояга етмаганлар, алкоголь ёки гиёҳвандлик моддаларини суистеъмол қилувчилар) профилактик таъсир кўрсатишга қаратилганидадир.

Махсус профилактика ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча орган ва муассасалар томонидан, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва юқори турувчи орган томонидан тасдиқланган махсус режалар асосида амалга оширилади.

Энг муҳими, ушбу фаолият самарадорлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги, фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали таъминланади.

Илгари судланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва гиёҳвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш каби йўналишлар давлат ва жамият манфаатларига тажовуз қилувчи хатарларни бартараф этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

3. Мирзиёев Ш.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони – 2021(Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

4. Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови ». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган танталали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи. - 2016. -№ 243(6678) Б. 1-3(Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон»,2017.–48 б. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).

7. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).

8. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.

9. Атажанов Ў. Шаҳар худудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

10. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

11. Атажанов, Уткир Маматсалаевич. "ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗИ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ И КООРДИНАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ

ПРАВОНАРУШЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА." JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH 8.5 (2025): 127-135.

12. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100.

13. Ганиев Ф. Т., Давлетов Ф. О. У. РАБОТА ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ С БЕЗНАДЗОРНЫМИ И БЕСПРИЗОРНЫМИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПРОБЕЛЫ НА ПРАКТИКЕ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 16. – С. 179-182.

14. Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

15. Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

16. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

17. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

18. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.